O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA


ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025 / 4



ISSN: 2181 7804


EL MEXICANO






WORLD BOXING
CUP




UZE

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/4

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
О.Е. Мамишев
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
У.О. Азимова
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

Ш.К. Павлов., Р.И. Исроилов – Малакали гандболчиларнинг куч тайёргарлигини такомиллаштириш услубияти. 3

А.А. Артиков – Спорт ўйинлари назорат машқларида техник усулларнинг мақсадли аниқлигини баҳолаш технологияси. 9

Ф.И. Бобомуродов – Курашчиларнинг йиллик циклда маълум бир мушак гуруҳларини тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш. 13

У.Ш. Салимов – Паспорт здоровья гражданина и физическая активность детей и подростков: роль паспорта здоровья гражданина в формировании здорового поколения. 17

С.В. Федорова – Применение тренажера «ротатор» для развития вестибулярной устойчивости и обучения многооборотным прыжкам у юных фигуристок. 23

Х.М. Ҳабибжонова – Юқори малакали гандболчиларни юкламалар йўналишининг ҳажми динамикасини таҳлил қилиш. 27

Р.А. Матчанов – Курсантларни жанговар спорт турларига комплекс тайёрлашда илмий ёндашув. 31

И.Б. Жўраев – Ўқув-машғулот босқичидаги тоғ чанғичиларни мавсумдан ташқари даврда тайёрлаш услубияти. 33

А.А. Якупбаев – Малакали эркин курашчи қизларнинг чидамлилигини ривожлантириш методикаси. 36

Н.М. Юсупов – 16-17 ёшли футболчи қизларнинг техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини таҳлили. 40

А.А. Умматов – Проявление кардиореспираторной стоимости скоростной и прыжковой выносливости у волейболистов в условиях годичного цикла спортивной подготовки. 44

Ф.В. Ганиева – Баскетбол ихтисослигида таҳсил олаётган талаба жисмоний ривожланишларини баҳолаш. 48

Ш.С. Турсунов – Юқори малакали юнон-рум курашчиларини куч тайёргарлигини назорат қилиш. 51

И.И. Нематуллаев., Р.А. Лутфуллина – Применение программы подготовки студентов к соревнованиям по настольному теннису в годичном учебно-тренировочном цикле. 54

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Адади 200 нусха.
Босишга рухсат этилди: 24.03.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/4

А.У. Рашидов – Особенности комплексной подготовки спортсменов в шахматах. 57

Ш.У. Мухсинов – Мусобақа жараёнида 15–16 ёшли футзалчиларнинг мушак тонуси ва техник-тактик кўрсаткичларини назорат қилиш. 62

Р.М. Аъзамов – Анализ современных методик обучения технике спуска в горнолыжном спорте. 66

И.И. Одилов – Содержание средств беговой подготовки юных триатлонистов. 69

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ
МЕДИКО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

А.Ш. Мўминов – Малакали гандболчиларнинг дарвозага тўп отиш техникасининг кинематик таҳлили. 72

О.А. Аъзамхонов – Малака ошириш жараёнида кураш мураббийларини касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг педагогик асослари. 76

Ф.М. Яқубов – Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида илмий-тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал асослари. 79

М.Қ. Усмонов – Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия кафедраси фаолиятининг самарадорлигини ошириш. 82

М.Н. Юсупова – Имконияти чекланган талабаларни аравачаларда баскетбол спорт турига ўргатишда спорт аравачаларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш. 85

Қ.Ж. Акимов – Ёш гандболчиларнинг кардиоресператоркўрсаткичларини жисмоний таснифи. 88

М.Г. Хайдаров – Влияние тренажёра “round support combo” на повышение эффективности подготовки спортсменов в пара-пауэрлифтинге. 90

И.А. Уразимбетов – Ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний психологик чидамлилигини оширишнинг аҳамияти. 93

У.А. Холдоров – Ўқув ва амалий машғулотларни оптималлаштириш: зарурият, муаммолар ва ечимлар. 96



Доцент
О.А. АЪЗАМХОНОВ[1]
[1]Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали
Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА КУРАШ МУРРАББИЙЛАРИНИ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация

В данной статье освещаются педагогические условия совершенствования профессионального мастерства тренеров по борьбе кураш в процессе повышения квалификации.

Ключевые слова: *храбрость, отвага, патриотизм, борьба, тренер, решение, указ, профессионализм, совершенствование, повышение квалификации.*

Annotation

Ушбу мақолада малака ошириш жараёнида кураш мурраббийларини касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари ёритилган.

Калит сўзлар: *Мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, кураш, мураббий, қарор, фармон, касбий маҳорат, такомиллаштириш, малакасини ошириш.*

This article highlights the pedagogical conditions for improving the professional skills of kurash wrestling coaches in the process of professional development.

Key words: *bravery, bravery, patriotism, struggle, coach, decision, decree, professionalism, improvement, professional development.*

Кириш. Мамлакатимизда мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган миллий спорт тури бўлган курашни оммалаштириш, ривожлантириш ва дунёга танитиш, уни умумжаҳон дурдонасига айлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Курашнинг тобора оммалашиб бораётганлиги нуфузли халқаро мусобақаларни ташкил қилишга, мавжуд инфратузилма ва моддий-техник базани модернизация қилишга, спорт жиҳозлари ва кийимлари таъминотини яхшилашга, бу борада ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шунингдек, соҳа учун малакали кадрлар, тренерлар ва ҳакамлар тайёрлашга бўлган эътиборни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Кураш миллий спорт турини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш ва хорижий мамлакатларда янада кенг тарғиб қилиш, шунингдек, курашни ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича фаолиятни тизимли қўллаб-қувватлашни ташкил қилиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонларидан кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича қарорлари қабул қилинди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 4-ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 20-декабрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-450-сонли қарорлари бу борада қўйилган дадил қадам бўлди. Мазкур қарорларда. Кураш миллий спорт турини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Аниқроғи аҳолининг барча қатламларини кураш билан шуғулланишга кенг жалб қилиш ҳамда Ўзбекистонда курашни умумхалқ спорт турига айлантириш курашни оммалаштириш, унинг жаҳон спорти дурдонасига айланишига ва Халқаро олимпиа ўйинлари дастурига киритилишига эришиш.

– Кураш билан шуғулланиш учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани шакиллантириш;

– Кураш бўйича профессионал тренерлар, ҳакамлар тайёрлаш, ўқув услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, курашнинг илмий-методологик базасини кучайтириш.

Ўзбек кураши брендини яратиш, инвеститсияларни жалб этган ҳолда яктак спорт кийимлари ва кураш гиламларини ишлаб чиқариш, курашни аҳоли ўртасида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Мазкур қарорда кураш халқаро ассотсиатсияси ва Ўзбекистон кураш федератсиясининг Халқаро кураш институтининг кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда унга қуйидаги қўшимча вазифалари юклатилди:

– кураш миллий спорт тури бўйича халқаро даражадаги малакали тренерлар ва ҳакамларни тайёрлашни йўлга қўйиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш тизимини жорий этиш;

– кураш миллий спорт тури бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириб бориш, шунингдек, зарур ўқув-услубий ва илмий-амалий

қўлланмаларни ишлаб чиқишни ташкил қилиш;

– кураш миллий спорт турининг янги йўналишларини жорий қилишда иштирок этиш, уларни оммалаштириш чораларини кўриш;

– кураш миллий спорт тури тренерлари ва ҳакамларини хорижий давлатларга "експорт" қилишни йўлга қўйиш;

– курашни оммалаштириш, ривожлантириш ва дунёга танитиш ҳамда ушбу миллий спорт турини умумжаҳон миқёсидаги спорт турига айлантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб бориш.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида кураш миллий спорт тури бўйича маҳаллий мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Халқаро кураш институти билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Демак, ёш авлодни миллий ғоя асосида тарбийлаш, улуғ аждодларимизга муносиб авлод бўлиб вояга етишлари, кўп жиҳатдан мураббийнинг меҳнати, касбий маҳоратига боғлиқ. Мамлакатимизда кўплаб таълим муассасалари СМ, ИСМ, Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ҳамда Олий спорт маҳорати мактаблари фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бу борадаги ишлар бугунги кунда ҳам жадал давом этмоқда, мураббийларнинг касбий маҳорати ва малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 4-июлдаги "Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида"ги 355-сонли Қарори асосида "Спорт таълим муассасалари тренер-ўқитувчилари" йўналиши бўйича янги тизим шакилланди. Қарорда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, таълим турлари ва босқичлари бўйича давлат талабларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашга, тингловчиларнинг билимларини янгилаш ва чуқурлаштиришга, замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олишга, касбий малака ва кўникмаларини ҳосил қилишга, таълимнинг самарали усуллари ҳамда технологияларини эгаллаш ва такомиллаштиришга эътибор қаратилган.

Тадқиқот мақсади. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали "Спорт таълим муассасалари тренерлар" йўналиши кураш мураббийлари ўртасида ижтимоий сўровнома ташкил этиш ва олинган натижаларнинг педагогик таҳлил қилишдан иборат.

Усуллар: Ушбу тадқиқот давомида малака ошириш курси кураш мураббийларига саволлар (анкета сўровномаси асосида) берилди. Ўтказилган анкета сўровномаси натижасида илмий хулосаларга келинди.

Натижалар: Мураббийларнинг касбий маҳоратини ошириш учун иннаватсион техналогиялардан тизимли равишда фойдаланишни йўлга қўйиш, кураш бўйича мураббийларнинг касбий сифатларини такомиллаштиришга оид ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш, машғулотлар жараёнида янги методикалардан фойдаланишни йўлга қўйиш, тажрибали педагогик маҳорати шакилланган мураббийларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, мураббийлар ўртасида маҳорат дарсларини ташкил этиш ҳамда малакали мураббийларни тайёрлашда кураш спорт турини янада оммалаштириш бўйича билим ва малакаларга эга бўлишига аҳамият қаратиш лозимлиги аниқланди.

Тадқиқотни ташкиллаштириш. Шу мақсадда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали "Спорт таълим муассасалари тренерлар" йўналиши кураш гуруҳи мураббийлари ўртасида сўровнома ташкил қилинди.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади кураш бўйича мураббийлар касбий маҳоратини ривожлантириш механизимларини такомиллаштиришга қаратилган.

Тадқиқот натижаси ва унинг муҳокамаси. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали кураш мураббийлари ўртасида сўровнома ташкил қилинди.

Сўровномада 24 нафар кураш мураббийлари иштирок этишди.

1-жадвал

Самарқанд филиалида кураш бўйича 24 нафар мураббийлардан ўтказилган сўровнома натижалари

Сўровнома саволлари	Ҳа	Йўқ
Кураш спорт тури бўйича машғулот ўтиш учун шароит мавжудми?	23	1
Машғулот жараёнида шуғулланувчиларни қизиқтира оласизми?	22	2
Сизнинг туманингизда кураш мураббийлари етарли малакага эга деб ўйлайсизми?	15	9
Машғулотларни инноватсион технологиялардан фойдаланиб ўтиш учун шароитлар етарли даражадами?	8	16
Инновотсион технологиялардан фойдаланилса машғулот самарадорлиги максимал даражада ошади деб ўйлайсизми?	20	4
Машғулот ўтиш учун шуғулланувчилар иштироки сизни қониқтирадими?	22	2
Ўтаётган машғулотингиз шуғулланувчилар учун етарли даражада деб ўйлайсизми?	21	3
Болаларни саралаб олишда уларни қобилияти сиз учун аҳамиятлими?	23	1

Касбий маҳоратингизни такомиллаштириш учун соҳага оид ўқув, услубий қўлланмалар, услубий тавсиялар етарлими?	20	4
Малака ошириш жараёнида дарс машғулотларини олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг билими савияси тажрибаси педагогик маҳорати сизни қониқтирадими?	22	2
Машғулотларни ўтказиш учун яратилган шарт шароитлардан кўнглингиз тўладими?	21	3
Малака ошириш жараёнида мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар талабга жавоб берадими?	23	1

“Сизнинг туманингизда кураш мураббийлари етарли малакага эга деб ўйлайсизми?” саволига 9 нафар мураббийнинг “Йўқ” деб ҳамда “Машғулотларни инновотсион технологиялардан фойдаланиб ўтиш учун шароитлар етарли даражадами?” саволига 16 нафар мураббийнинг “Йўқ” деб жавоб бериши малакали мурабийлар ҳамда шароитлар масаласи кураш спорт турини ривожлантиришдаги асосий муаммолардан бири эканлигини кўрсатади.

Бу борада яхши жисмоний ҳолатда бўлиш;

– бор кучи билан шуғулланиш;

– ақл билан мақш қилиш;

мураббий кўрсатмаларидан четга чиқмаслик каби сифатларни шакллантиришда муҳим ҳисобланади.

Сўровномалар, сухбатлар таҳлили шуни кўрсатадики, мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш учун қуйдагиларга этиборни қаратиш лозим;

– кураш машғулотларни талаб даражасида ўтказиш учун моддий техник базани мустаҳкамлаш;

– мураббийларнинг касбий маҳоратини ошириш учун иннаватсион техналогиялардан тизимли равишда фойдаланишни йўлга қўйиш;

– кураш бўйича мураббийларнинг касбий сифатларини такомиллаштиришга оид ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш;

– машғулотлар жараёнида янги методикалардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

– тажрибали, педагогик маҳорати шакилланган мураббийларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш;

– мураббийлар ўртасида маҳорат дарсларини ташкил этиш;

– кураш бўйича мураббийларни касбий сифатларини такомиллаштиришда оммавий ахборат воситаларининг имкониятлардан етарлича фойдаланиш.

Хулоса. Умуман олганда, юқоридаги фикрлар ҳамда тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассисларини тайёрлаш жараёнларини ўрганиш, тадқиқ қилиш соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштириш имкониятини беради;

Иккинчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида меҳнат қилиб келаётган мутахассисларнинг ҳар томонлама билимларининг шаклланиши, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишини оширишда ҳамда улар орасидан малакали спортчиларни саралаб олишида муҳим ҳисобланади.

Жаҳонда шухрат қозонаётган кураш миллий спорт турини ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди бугунги кунда кураш бўйича мураббийларни касбий маҳоратини такомиллаштириш учун муаммонинг қуйдаги жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим;

– Кураш бўйича мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш алоҳида тадқиқот обеъкти сифатида ўрганилиши керак;

– Кураш бўйича мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришни илмий, адабий, тарихий манбалардаги ҳолатини таҳлил қилиш лозим;

– Кураш бўйича мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш борасида амалётдаги ҳолат ва имкониятлар ўрганилиши зарур;

– Кураш бўйича мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришда иннавацион технологиялардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

– Кураш бўйича мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситаларини замонавий усуллари ўрганилиб, амалётда таъдбиқ этиш жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикасини бойитишга хизмат қилади;

– Педагог олимлар, тажрибали мутахасислар томонидан кураш бўйича мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришга оид ўқув, услубий қўлланмалар тайёрланиб, жойларга етказиб берилса;

– Кураш бўйича касбий маҳорати шаклланган, тажрибали мураббийларни илғор иш усулларини ўрганилиб оммалаштирилса;

– Кураш бўйича касбий маҳорати шакилланган мураббийларнинг меҳнати моддий ва маънавий жиҳатдан тизимли равишда рағбатлантириб борилса, баркамол авлодни тарбиялашдик давлат буюртмаси бажарилган бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 4-ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 20-декабрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-450-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 4-июлдаги “Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини

янада такомиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида”ги 355-сонли қарори.
4.Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. — Т.: Зар қалам 2004-йил.
5. К.Юсупов. Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси. Тошкент. “Фофур Fулом” нашриёти. 2005-йил.
6. Аъзамхонов О.А. Танланган спорт турлари назарияси ва услубияти “Кураш” // Ўқув қўлланма. Фофур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи //. 100128.– Тошкент 2024-йил.



Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ф.М. ЯҚУБОВ[1]
[1]Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУТАХАССИСЛАРИДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЧИЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Аннотация

В данной статье представлены концептуальные основы развития научно-исследовательской компетентности специалистов по физической культуре и спорту. Также проанализированы принципы, методы и подходы, составляющие концептуальную основу.

Ключевые слова: *физическая культура и спорт, исследование, научно-исследовательская деятельность, компетенция, специалист, компетентность, профессиональная компетенция, научное исследование, исследовательская компетенция.*

Annotation

Мазкур мақолада жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида илмий-тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал асослари кўрсатиб берилган. Шунингдек, концеатуал асосни ташкил қилувчи тамойиллар, услублар ва ёндашувлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *жисмоний тарбия ва спорт, тадқиқот, илмий-тадқиқот, компетенция, мутахассис, компетентлик, касбий компетенция, илмий тадқиқот, тадқиқотчилик компетенцияси.*

This article presents the conceptual foundations for developing research competence in physical education and sports specialists. Additionally, it analyzes the principles, methods, and approaches that constitute the conceptual basis.

Key words: *physical education and sports, research, scientific research, competence, specialist, competency, professional competence, scientific research, research competence.*


Долзарблиги. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси жадаллик билан ривожланиб бориши ушбу соҳа мутахассисларининг билим, кўникма ва малакасига юқори талабларни қўймоқда. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида илмий-тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш мана шундай талаблардан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 3-ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-414-сонли қарори соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш тизимини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга мутахассисларнинг илмий тадқиқотчилик компетентлигини замонавий педагогик ёндашувлар ҳамда технологиялар асосида такомиллаштириб бориш заруратини юзага келтирди [1].

Ҳозирда жаҳонда жисмоний тарбия ва спорт таълимида соҳа мутахассисларининг илмий тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш учун замонавий лабораториялар, илмий конференциялар, грант лойиҳалари ва академик мобиллик дастурлари жорий этилмоқда. Бу жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида илмий тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилади. Бироқ, мамлакатлар тараққиёти учун зарур шартлардан бири аҳоли барча қатламларининг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини оширишдир. Ушбу вазифани амалга оширишда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларига етакчи рол берилган бўлиб, уларнинг самарали фаолияти ёш авлоднинг ривожланиши, шахснинг жисмоний, руҳий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларининг уйғунлигини таъминлашга боғлиқ.


Тадқиқотнинг мақсади жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида илмий-тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисининг яхлит касбий компетентлигини шакллантириш унга касбий вазифаларни самарали ҳал қилиш имконини берса, илмий-тадқиқотчилик компетентлиги эса унинг таркибий қисми ҳисобланади. Концептуал асос - илмий ва назарий жараёнларда ишлатиладиган тушунча бўлиб, бирор илмий назария, ғоя ёки лойиҳа учун асос сифатида хизмат қиладиган ғоялар ва тушунчаларни англатиб, у тадқиқот мақсадлари ҳамда гипотезаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг илмий тадқиқотчилик компетентлиги бу - соҳасида илмий фаолиятни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва қобилиятларнинг жамланмаси бўлиб, у муаммони аниқлаш ва унга ечим таклиф қилиш, илмий усулларни қўллаш, натижаларни баҳолаш ҳамда янги услубиятларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлади. Мавжуд илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, “илмий тадқиқотчилик компетенция-


ETIHAD


EUROPA LEAGUE
YOTA


JAKO
17
UFA


SAIDMURODOV
14
20
the-AFC.com


UFA
UZBEKISTAN


16

